

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

№ ВМ - 343 - 3400 - 3.12
«09» ___ 08 ___ 2003 й.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
С.Туляиов
«1» июль 2003 й.

«СУҒУРТА ИШИ»

**фанидан
ДАСТУР**

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият
йўналишлари учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Шеннаев Х.
к.ўқ. Исамухамедова С.

Такризчилар: доц. М. Альмардонов
И.Қобулов

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси бозор инфратузилмасида суғуртанинг тутган ўрни, аҳамияти ва моҳияти очиқ берилди. Мол - мулк суғуртаси, шахсий суғурта, жавобгарлик суғуртаси, қишлоқ хўжалиги суғуртасига тўлиқ тавсиф берилди. Шу жумладан, суғурта шартномаларини тузиш, бадаллар ҳисоблаш ва суғурта қопламаларини тўлаш тартиби ўрганилади.

В процессе обучения этой дисциплины раскрываются такие вопросы, как значение страхования в рыночной инфраструктуре Республики Узбекистан, значение и сущность страхования. Изучаются виды страхования: личное страхование, страхование в сельском хозяйстве, страхование ответственности, страхование имущества. В сущности изучаются виды договоров страхования, порядок заключения договоров.

Subject of “Insurance” is thought as specialty subject of “insurance” speciality based on Republic of Uzbekistan’s “National program of preparing specialists”. Process of teaching this subject opens level, importance and essence of insurance in market infrastructure of Republic of Uzbekistan. Estate insurance, personal insurance, responsibility insurance, are completely defined. Orders of making insurance contracts and payments are also learned by this subject.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2003 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади, предмети ва вазифалари

“Суғурта иши” фанининг асосий мақсади олий ўқув юртлари талабаларининг Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси қарор топаётганда суғурта бозори, унинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, суғуртанинг таснифлаш тушунчалари, давлат ва суғурта компанияларининг ўзаро муносабатларини ўрганишдир.

Талабаларда “Суғурта иши” фанининг вазифаси ва суғурта тўғрисидаги билимни шакллантириш, шунингдек, бу билим ва кўникмаларини суғурта амалиётида қўллай олиш, суғурта турлари билан таништиришдан иборат.

“Суғурта иши” фани талабалардан иқтисодий фанларни билишни ва суғурта қонунчилигига оид ҳужжатларни ўрганишни, компьютер воситалари асосида жадваллар ва слайдлар тузиш бўйича кўникмаларни шакллантиришни талаб қилади.

Бошқа фанлар билан алоқаси

“Суғурта иши” фани “Давлат бюджети”, “Пул, кредит ва банклар”, “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Корхоналар молияси”, “Информацион технологиялар” каби фанлар билан бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Фан бўйича талабалар билим, кўникма ва маҳоратларига талаблар

“Суғурта иши” фани бўйича ҳар бир талаба билимларини мустақамлаш учун ҳаракатда бўлган суғурта турлари юзасидан қабул қилинган йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар билан танишиб, уларни ўзлаштиришлари лозим, яъни:

- - суғурта бозорининг асосий тамойилларини пухта эгаллашлари;
- - республикамиз суғурта компаниялари томонидан тақдим қилинадиган суғурта турлари бўйича хусусиятли жиҳатларини ўрганишлари;
- - суғурта турларига оид бўлган меъёрий ҳужжатлар, қонунлар, қарорларни ўзлаштиришлари;
- - ривожланган мамлакатлар суғурта тизими билан республикамиз суғурта тизимини таққослашлари;
- - суғурта ишини юритиш тамойилларини пухта эгаллашлари;
- - суғурта бадаллари ва қопламаларини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари;

Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларнинг мавзуларидан талабалар тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб боровчи ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча

билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур, курсга 81 соат вақт ажратилган: уларнинг 36 соати маъруза, 18 соати амалий машғулот, 27 соати мустақил таълимдир.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баллар асосида белгиланади. Фанни ўқитиш семестрида жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

“Суғурта иши” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

“Суғурта иши” фанининг асосий мақсади олий ўқув юртлари талабаларининг Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси қарор топаётганда суғурта бозори, унинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, суғуртанинг таснифлаш тушунчалари, давлат билан суғурта компанияларининг ўзаро муносабатларини ўрганишдир. *“Суғурта иши” фанининг вазифаси талабаларда суғурта тўғрисидаги билимни шакллантириш, шунингдек бу билим ва кўникмаларини суғурта амалиётида қўллай олиш, суғурта турлари билан таништиришдан иборат.* Фаннинг ўрганиш объекти ва предмети. Фан предметини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланиладиган умумметодологик ва хусусий усуллар. “Суғурта иши” фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.

Ўзбекистонда суғуртанинг шаклланиш тарихи

Жаҳонда суғуртанинг вужудга келиши ва унинг Марказий Осиёдаги хусусиятлари. Фондли ва фондсиз суғурта. *Гарбий Европа ва Россияда суғурта компанияларининг вужудга келиши. XIX асрнинг биринчи ва иккинчи*

ярмида Туркистонда суғурта бўлимларини очилиши. Октябрь тўнтарилишидан кейин Туркистонда суғурта. 1923 - 1924 йилларда Ўзбекистон Молия комиссарлиги таркибида суғурта бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ташкил қилиниши. Қишлоқ хўжалигини суғурталашга аҳамият берилиши, пахтакор колхозларининг мажбурий суғуртаси, чорва молларини суғурталаш. Шаҳарларда уй - жой иморатларни суғурталаниши. Шахсий суғуртанинг вужудга келиши, 1966 йилда Тошкентда ер қимирлаш оқибатларини тугатишда суғурта ташкилотларининг роли. 1991 йилда Совет Иттифоқида суғурта монополиясининг тугатилиши ва Ўзбекистонда мустақил суғурта ташкилотларнинг вужудга келиши.

Суғурта атамалари ва тушунчалари

Суғурта атамашунослиги суғуртанинг ўзига хос муносабатларини ифода қилувчи восита сифатида. Суғурта атамаларининг гуруҳлари. Суғуртанинг ташкилий масалаларини ифодаловчи атамалар. Суғурта фондини шаклланиши билан боғланган атамалар. Суғурта фондини сарфланиши билан боғлиқ атамалар. Хорижий суғурта амалиётидаги атамалар. Суғурталовчи ва суғурталанувчи. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта ҳимояси тушунчасининг кенг ва тор маънода қўлланилиши. Суғурта манфаатдорлиги ҳақида тушунча. Суғуртанинг объекти ва предмети. *Суғурта жавобгарлиги ва унинг ҳажми. Суғурта фондининг шаклланиши билан боғлиқ атамалар. Суғуртавий баҳолаш, суғурта таъминоти, суғурта суммаси, суғурта таърифи, суғурта иши, суғуртанинг муддати, суғурта портфели. Суғурта таъминотининг икки тизими – нисбий таъминот ва биринчи хавф, чегараланган таъминот.* Суғурта фонди маблағларининг сарфланиши билан боғланган атамалар. Суғурта хавф - хатари, суғурта ҳодисаси, суғурта далолатномаси, суғурта рентаси, суғурта суммасининг тақчиллиги. Халқаро суғурта атамалари, суғурта бозори, суғурта бонуси. Суғурта аудити. Суғурта франшизаси.

Суғуртанинг гуруҳланиши

Суғурта фаолиятининг гуруҳланиши ва унинг тизимни бошқаришдаги роли. Суғуртанинг ташқи ва мамлакат доирасидаги (давлат хусусий ва қўшма суғурта) ташкилотлар бўйича гуруҳланиши. Суғурта объектлари ва хавф - хатарлар бўйича гуруҳланиши. Суғурта тармоқлари, тармоқ бўлимлари ва шакллари ҳимояси бўйича гуруҳланиши. Мулкий, шахсий суғурта ва уларнинг таркиби, тадбиркорлик суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси. Суғуртанинг мулклар бўйича гуруҳланиши (давлат, жамоа, тадбиркорлик,

қўшма ва ҳ.к). *Мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг хиллари, тамойиллари. Мажбурий суғуртанинг қонун асосида шаклланиши, ёппасига ва ўз - ўзидан суғурталаш, суғурта бадалларини тўлаш билан боғлиқ эмаслиги, муддатсизлиги.* Суғурта таъминотини меъёрлаштириш, ихтиёрий суғуртанинг суғурталовчи хоҳишига боғлиқлиги, танлаб олиш тамойили. Суғурта муддатини чегараланиши, суғурта бадалларини тўлаш муддатларининг хусусиятлари, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта таъминоти, кредит, тиббиёт, пенсия ва хавф - хатар суғурталари. Уй - рўзғор мулкларини суғуртаси, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” суғурта ташкилотларида мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг амалга оширилиши.

Суғурта ҳуқуқи

Суғурта ҳуқуқи тушунчаси. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари. Фуқаролик кодекси. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун. “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг низоми. “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг низоми. “Ўзбекинвест” экспорт - импорт миллий суғурта ташкилотининг низоми. *Хусусий ва қўшма суғурта ташкилотларининг уставлари. Суғурта ташкилотлари томонидан белгиланган суғуртанинг айрим турлари бўйича қоидалар.*

Республика суғурта ташкилотларини бошқариш

Давлат ва хусусий ташкилотларни бошқаришнинг хусусиятлари. “Ўзбекинвест” экспорт - импорт миллий суғурта ташкилоти ва бошқа суғурта ташкилотларини бошқариш талаблари. Суғуртанинг юқори ташкилотлари: республика, вилоят ва уларнинг ички маъмурий схемаси. Туман суғурта ташкилотларининг ички тузилиши ва ходимлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти. “Ўзбекинвест” экспорт - импорт миллий суғурта ташкилотининг ички тузилиши ва халқаро аҳамияти. *Хусусий суғурта акционерлик компаниялари. Қўшма суғурта компаниялар, суғурта маркетинги, суғурта ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари.* Суғурта акцияларининг тарқатилиши, дивидендларнинг тақсимланиши. Суғуртани бошқаришда ўзаро ва юқори ташкилотларнинг назорати.

Мулк - мулк суғуртаси

Мулк ва мулкый суғуртага тавсиф. Мулк суғуртаси тушунчаси кенг ва кўп қиррали тушунча. Суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган мулклар. Республикамизда мулкчилик муносабатлари. Мулкый суғурта шаклларини мулк эгалари орқали суғурталаш. Мулкый суғуртанинг суғурта тизимида

тутган ўрни. *Мулк суғуртасини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли мулкларни ўзига хос хусусиятлари. Мулкларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурталаниши.* Юридик шахслар мол - мулкни суғурталашнинг хусусиятлари. Жисмоний шахслар мол - мулкни суғурталашнинг хусусиятлари.

Тадбиркорлик хавф - хатарларини суғурталаш

Тадбиркорлик фаолияти ва суғурта. Бозор иқтисодиёти шароитида сиёсий, иқтисодий, тижорат, техникавий хавф - хатарлардан суғурталашнинг аҳамияти. Тадбиркорлик суғуртаси ва унинг хусусиятлари. *Суғурта шартномасида суғурталанувчига қўйиладиган талабалар. Франшизанинг қўлланилиши.* Ишлаб - чиқаришнинг тўхтаб қолиши натижасида етказилган зарарни суғурталаш. Янги техника ва технологияни жорий қилиш билан боғланган хавф - хатарларни суғурта қилиш.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси

Қишлоқ хўжалигида суғурталашнинг роли. Объектларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш. Ихтиёрий суғурталашнинг афзалликлари. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мажбурий суғуртаси. Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларни қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурталаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бўнак тариқасида бериладиган ва фьючерс шартномалари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш. Қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва узумзорлар, табиий пичанзорлар, чорва моллари бўйича зарарларни аниқлаш ва қопламалар тўлаш. Илғор технологияни қўллаш асосида юқори ҳосил олишнинг илмий асослари. *Қишлоқ хўжалик экинларининг барбод бўлиши, уларнинг ҳосилига етказилган зарарларнинг сабаблари ва ҳаққонийлиги аниқлаш. Суғурта маълумотларини қабул қилиш ва текшириш. Об - ҳаво хизмати ва бошқа ташиқлотларнинг табиий офат ҳақидаги маълумотларини ҳақиқатга тўғрилигини текшириш.* Ўлчаш йўли билан экин майдонларининг ва унинг зарарланган қисмини аниқлаш. Суғурта далолатномасини тузиш, зарарланган экинлар бўйича ялпи ҳосил қийматини ҳисоблаш. Зарарланган қайта ва қўшимча экилган майдонлар миқдорини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган зарарни қайта ва қўшимча экиш харажатларини ҳисоблаш. Айрим қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича етказилган зарарларни аниқлашнинг хусусиятлари.

Шахсий суғурта ва суғуртанинг бошқа йўналишлари

Шахсий суғурта фуқаролар фаровонлигини юксалтириш омилларидан бири. Шахсий суғуртанинг функциялари. Ўзбекистон суғурта тизимида шахсий суғуртанинг ўрни, давлат ва хусусий суғурта компанияларида шахсий суғуртанинг хусусиятлари ва хиллари. *Шахсий суғурта маблағларидан инвестиция мақсадлари учун фойдаланиш. Ўзбекистонда шахсий суғурта ва унинг ривожланиши, навбатдаги вазифалари.* Мажбурий ва ихтиёрий шахсий суғурта. Мажбурий шахсий суғуртанинг ихтиёрий суғуртадан фарқи. Мажбурий шахсий суғуртанинг хиллари. Мажбурий суғуртанинг корхона ҳисобидан қилинадиган суғуртадан фарқи.

Қайта суғурталаш

Қайта суғурталаш суғурта муносабатларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш усули сифатида. Қайта суғурталашнинг зарурлиги. *Қайта суғурталашни ифодоловчи атамалар ва уларни гуруҳлаш. Нисбий ва нонисбий қайта суғурталаш.* Қайта суғурталаш доираларини кенгайтириш ва бошқа мамлакатлар суғурта монополиялари билан ўзаро муносабатлар ўрнатилиши. Қайта суғурталашда ҳисобга олиннадиган асосий молиявий кўрсаткичлар.

Суғурта фаолиятининг молиявий асослари

Суғурта ташкилотларининг молиясини ташкил этишнинг хусусиятлари ва умумий асослари. Суғурта фондлари ресурсларининг тўпланиши ва тақсимланиш йўналишлари. *Суғурта ташкилотларининг фондлари ва улардан самарали фойдаланиш.* Огоҳлантириш тадбирларини молиялаштириш фонди. Меҳнат ҳақи фонди. Иқтисодий ривожлантириш фонди. Молиявий прогнозлар ва ҳисоботларни тузиш.

Жаҳон мамлакатларида суғурта

Жаҳон мамлакатларида суғуртани нотекис ривожланиши сабаблари. Суғурта монополиялари, жаҳон суғурта бозори, Европа суғурта ассоциациялари. АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Япония, Хитой, Ҳиндистонда суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари. Фан ва техника тараққиёти натижасида янги хавф - хатарларни вужудга келиши ва суғуртанинг янги хилларининг шаклланиши. *Республикамизда суғурта тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиб амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлари.* Чет эл инвестицияларини суғурталаш ва Республика

инвесторларини халқаро бозорларга кириб боришини таъминлашда суғуртанинг роли.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

“Суғурта иши” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

“Суғурта иши” фанининг асосий мақсади олий ўқув юртлари талабаларининг Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси қарор топаётганда суғурта бозори, унинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, суғуртанинг таснифлаш тушунчалари, давлат билан суғурта компанияларининг ўзаро муносабатларини ўрганишдир. Фан предметини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланиладиган умумметодологик ва хусусий усуллар.* “Суғурта иши” фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.*

Ўзбекистонда суғуртанинг шаклланиш тарихи

Жаҳонда суғуртанинг вужудга келиши ва унинг Марказий Осиёдаги хусусиятлари. Фондли ва фондсиз суғурта. Ғарбий Европа ва Россияда суғурта компанияларининг вужудга келиши.* XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Туркистонда суғурта бўлимларини очилиши. Октябрь тўнтарилишидан кейин Туркистонда суғурта. 1923 - 1924 йилларда Ўзбекистон Молия комиссарлиги таркибида суғурта бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларини ташкил қилиниши. 1991 йилда Совет Иттифоқида суғурта монополиясининг тугатилиши ва Ўзбекистонда мустақил суғурта ташкилотларининг вужудга келиши.*

Суғурта атамалари ва тушунчалари

Суғурта атамашунослиги суғуртанинг ўзига хос муносабатларини ифода қилувчи восита сифатида. Суғурта атамаларининг гуруҳлари. Суғуртанинг ташкилий масалаларини ифодаловчи атамалар. Суғурта фондининг шаклланиши билан боғланган атамалар. Суғурта фондини сарфланиши билан боғланган атамалар.* Хорижий суғурта амалиётидан атамалар. Суғурталовчи ва суғурталанувчи. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта ҳимояси тушунчасининг кенг ва тор маънода қўлланилиши. Суғурта манфаатдорлиги ҳақида тушунча. Суғуртанинг объекти ва предмети. Суғурта суммаси тақчиллигининг кўрсаткичлари.* Халқаро суғурта атамалари, суғурта бозори, суғурта бонуси. Суғурта аудити. Суғурта франшизаси.

Суғуртанинг гуруҳланиши

Суғурта фаолиятининг гуруҳланиши ва унинг тизимни бошқаришдаги роли. Суғуртанинг ташқи ва мамлакат доирасидаги (давлат хусусий ва кўшма суғурта) ташкилотлари бўйича гуруҳланиши. Суғурта объектлари ва хатлар хатарлар бўйича гуруҳланиши. Суғурта тармоқлари, тармоқ бўлимлари ва шакллари, ҳимояси бўйича гуруҳланиши.* Мулкый, шахсий суғурта ва уларнинг таркиби, тадбиркорлик суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси. Суғуртанинг мулклар бўйича гуруҳланиши (давлат, жамоа, тадбиркорлик, кўшма ва ҳ.к). Мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг хиллари, тамойиллари.*

Суғурта ҳуқуқи

Суғурта ҳуқуқи тушунчаси. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари. Фуқаролик кодекси.* “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун. “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг низоми.* “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг низоми.* “Ўзбекинвест” экспорт - импорт суғурта ташкилотининг низоми. Хусусий ва кўшма суғурта ташкилотларининг уставлари. Суғурта ташкилотлари томонидан белгиланган суғуртанинг айрим турлари бўйича қоидалар.

Республика суғурта ташкилотларини бошқариш

Давлат ва хусусий ташкилотларни бошқаришнинг хусусиятлари. “Ўзбекинвест” ташкилотининг ва бошқа суғурта ташкилотларини бошқариш талаблари. Суғуртанинг юқори ташкилотлари республика, вилоят ва уларнинг ички маъмурий тузилмаси.* Туман суғурта ташкилотларининг ички тузилиши ва ходимлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти. “Ўзбекинвест” хусусий суғурта ташкилотининг ички тузилиши ва халқаро аҳамияти. Хусусий суғурта акционерлик компаниялари.* Кўшма суғурта компаниялар, суғурта маркетинги, суғурта ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари. Суғурта акцияларининг тарқатилиши, дивидендларнинг тақсимланиши.

Мол - мулк суғуртаси

Мулк ва мулкый суғуртага тавсиф. Суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган мулклар. Республикада мулкчилик муносабатлари. Мулкый суғурта шакллари мулк эгалари орқали суғурталаш. Мулкый суғуртанинг суғурта тизимида тутган ўрни. Мулк суғуртасининг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли мулкларнинг ўзига хос хусусиятлари.* Мулкларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурталаниши. Юридик шахслар мол - мулкни суғурталашнинг хусусиятлари.* Жисмоний шахслар мол - мулкни суғурталашнинг хусусиятлари.*

Тадбиркорлик хавф - хатарларини суғурталаш

Тадбиркорлик фаолияти ва суғурта. Бозор иқтисодиёти шароитида сиёсий, иқтисодий, тижорат, техникавий хавф - хатарлардан суғурталашнинг аҳамияти. Тадбиркорлик суғуртаси ва унинг хусусиятлари. Суғурта шартномасида суғурталанувчига қўйиладиган талаблар*. Франшизанинг қўлланилиши. Ишлаб - чиқаришнинг тўхтаб қолиши натижасида етказилган зарарни суғурталаш. Янги техника ва технологияни жорий қилиш билан боғланган хавф - хатарларни суғурта қилиш.*

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси

Қишлоқ хўжалигида суғурталашнинг роли. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мажбурий суғуртаси.* Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурталаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бўнак тариқасида бериладиган ва фьючерс шартномалари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш. Қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва узумзорлар, табиий пичанзорлар, чорва моллари бўйича зарарларни аниқлаш ва қопламалар тўлаш. Ўлчаш йўли билан экин майдонларининг ва унинг зарарланган қисмини аниқлаш. Суғурта далолатномасини тузиш, зарарланган экинлар бўйича ялпи ҳосил қийматини ҳисоблаш. Зарарланган қайта ва қўшимча экилган майдонлар миқдорини аниқлаш.* Қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган зарарни қайта ва қўшимча экиш харажатларини ҳисоблаш. Айрим қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича етказилган зарарларни аниқлашни хусусиятлари.*

Шахсий суғурта ва суғуртанинг бошқа йўналишлари

Шахсий суғурта фуқаролар фаровонлигини юксалтириш омилларидан бири. Шахсий суғуртанинг функциялари. Ўзбекистон суғурта тизимида шахсий суғуртанинг ўрни, давлат ва хусусий суғурта компанияларида шахсий суғуртанинг хусусиятлари ва хиллари.* Шахсий суғурта маблағларидан инвестиция мақсадлари учун фойдаланиш. Ўзбекистонда шахсий суғурта ва унинг ривожланиши, навбатдаги вазифалари. Мажбурий ва ихтиёрий шахсий суғурта. Мажбурий шахсий суғуртанинг ихтиёрий суғуртадан фарқи.* Мажбурий шахсий суғуртанинг хиллари. Мажбурий суғуртанинг корхона ҳисобидан қилинадиган суғуртадан фарқи.

Қайта суғурталаш

Қайта суғурталаш суғурта муносабатларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш усули сифатида. Қайта суғурталашнинг зарурлиги. Қайта суғурталашни ифодаловчи атамалар ва уларни гуруҳлаш.* Нисбий ва нонисбий қайта суғурталаш.* Қайта суғурталаш доираларининг кенгайиши ва бошқа мамлакатлар суғурта монополиялари билан ўзаро муносабатлар ўрнатилиши. Қайта суғурталашда ҳисобга олинган асосий молиявий кўрсаткичлар.

Суғурта фаолиятининг молиявий асослари

Суғурта ташкилотларининг молиясини ташкил этишнинг хусусиятлари ва умумий асослари. Суғурта фондлари ресурсларининг тўпланиши ва тақсимланиш йўналишлари.* Суғурта ташкилотларининг фондлари ва улардан самарали фойдаланиш. Огоҳлантириш тадбирларини молиялаштириш фонди. Меҳнат ҳақи фонди. Иқтисодий ривожлантириш фонди. Молиявий прогнозлар ва ҳисоботларни тузиш.*

Жаҳон мамлакатларида суғурта

Жаҳон мамлакатларида суғуртани нотекис ривожланиши сабаблари. Суғурта монополиялари, жаҳон суғурта бозори, Европа суғурта ассоциациялари.* АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Япония, Хитой, Ҳиндистонда суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари. Фан ва техниканинг тараққиёти натижасида янги хавф - хатарларни вужудга келиши ва суғуртанинг янги хилларини шаклланиши. Республикамизда суғурта тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиб амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар.* Чет эл инвестицияларини суғурталаш ва республика инвесторларининг халқаро бозорларга кириб боришини таъминлашда суғуртанинг роли.*

4. ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида замонавий техник воситалардан, компьютерлардан, алоқа воситалардан, интернет тармоғидан ва бошқа информацион - техник воситалардан фойдаланиш белгиланган.

1. Компьютер
2. Аудио ва видео жиҳозлар
3. Дипроектор
4. Кодоскоп

5. Интернет тармоғи.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- - жорий баҳолаш (ЖБ);
- - оралиқ баҳолаш (ОБ);
- - якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 фоиз, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланган.

Фан бўйича дастур тўлиқ ўтилгандан кейин талабалар “ёзма иш” усулида (ўқув режасига кўра) якуний баҳолашни топширадilar.

Таянч тушунчаларга асосланган (ёзма иш) усулни ўтказиш тартиби “рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида” “ёзма иш” усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича 55 фоиз ва ундан юқори фоиз балларини тўплаган талаба қоникарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба фанни ўзлаштира олмаган деб ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И. Тинчлик учун курашмоқ керак. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Воблый А. Основы экономики страхования. - М., 1995.
5. Страхование дело: Учеб. под ред. проф. Л.Рейтмана, - М., 1992.
6. Страхование от А до Я. Книга для страхователя. – М.: Инфра, 1996.
7. Саркисов Э. Личное страхование. - М.: Финансы и статистика, 1996.
8. Словарь страховых терминов. - М.: Финансы и статистика, 2000.

9. Журавлев И. Страхование и перестрахования. Теория и практика. - М., 2001.
10. “Суғурта тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. - Т.: Адолат, 2002.
11. Страхование в промышленности. Опыт страхового рынка ФРГ. - М.: Анкил, 1990.
12. Сборник задач по государственному страхованию. - М.: Финансы и статистика, 1991.
13. Финансово – кредитный словарь в 3 - х томах. - М.: Финансы и статистика, 1990.
14. “Ўзагросуғурта” давлат - акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги қарори.
15. “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг ташкил қилиш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 март қарори.
16. Ўзбекинвест, экспорт - импорт миллий суғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 февраль қарори.
17. Собиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. - Т.: Меҳнат, 1998.
18. Гвозденко М. Страхование дело. - М., 1998.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзагросуғурта ДАСК, Корхоналар мол - мулкни суғурталаш қоидалари, 1997 йил 27 сентябрь.
2. Ўзагросуғурта ДАСК, Қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг экинлари ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича қоидалар. 20 май 1997 йил.
3. Қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларга тегишли мол - мулкни мажбурий суғуртаси ҳақида йўриқнома, 1997 йил 6 июль.
4. Қишлоқ аҳолисига қарашли чорва молларини ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари. 1997 йил 17 июнь.
5. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қоидалари, Тошкент 1997 йил 27 май, Ўзагросуғурта.
6. Правила о порядке проведения государственного обязательного страхования пассажиров, Кафолат. 7 июля 1997 год.
7. Фуқароларни қўшимча пенсияга суғурта қилиш қоидаси. Тошкент. 1997 йил.